

Индонезиянинг «SCTV» телеканали Ўзбекистон ҳақида кўрсатув тайёрламоқда



10:58 / 19.05.2023 862

Маданият ва туризм вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимизнинг Жакарта шаҳридаги элчихонаси ҳамкорлигида Индонезиянинг етакчи «SCTV» телеканали ижодкорларининг Ўзбекистонга саёҳати ташкил этилмоқда. Тадбир ушбу давлатда маданиятимизни, туризм салоҳиятимизни кенг тарғиб этиш, диёримизга сайёҳлар оқимини тезлаштириш мақсадини кўзлаган.

ЎЗА хабарига кўра, 1990 йил ташкил этилган, Индонезиянинг йирик медиа тармоғи ҳисобланган «Surya Citra Televisi» (SCTV) мамлакатнинг 240 та шаҳрида эфирга узатилади. Бугунги кунда «Indosiar», «Moji», «Ajwa», «Mentari» телеканалларига ҳам эгалик қиладиган мазкур тармоқ кузатувчилар салмоғи 160 миллионга етган.

Ҳозир «SCTV» ижодкорлари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро зиёрат туризми ҳақида махсус дастурлар тайёрлаш устида иш олиб бoryпти. Медиа материаллардан Жануби-шарқий Осиёда яшовчи мусулмон аҳли эътиборини оммавий сайёҳлик йўналиши сифатида мамлакатимизга жалб этиш назарда тутилган.

«Surya Citra Televisi»ни ижтимоий тармоқда 30 миллионга яқин обуначи кузатиб боради. Ташриф давомида индонезиялик мухбирлар бешта 15 дақиқалик кўрсатув тайёрлашни режа қилишган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати